

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида
УДК: 631.1:6.01(575.11)

НАСИМОВ БАХТИЁР ВАСИЕВИЧ

**КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ
МЕНЕЖМЕНТ УСЛУБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
САМАРАДОРЛИГИ**

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
иқтисод фанлари номзоди,
доцент Ташходжаев М.М.

ТОШКЕНТ-2019

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	3
1-боб.	КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....	11
1.1.	Иқтисодиётнинг ривожланишида корхонанинг ўрни ва уни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	11
1.2.	Корхоналар иқтисодий фаолиятини бошқаришнинг назарий-услубий асослари ва унинг самарадорлигини баҳолаш услублари.....	24
1.3.	Корхонанинг ташқи иқтисодий фаолиятини бошқариш самарадорлиги.....	41
	Биринчи боб бўйича хулосалар.....	53
2-боб.	КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ МЕНЕЖМЕНТ УСЛУБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	55
2.1.	Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари тизими.....	55
2.2.	Корхоналар фаолиятининг стратегик бошқариш самарадорлиги.....	63
2.3.	Корхонанинг барқарорлигини кластер ёндашув асосида такомиллаштириш.....	74
	Иккинчи боб бўйича хулоса.....	86
3-боб.	КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ МЕНЕЖМЕНТ УСЛУБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ.....	89
3.1.	Корхоналар фаолиятида инновацион жараёнларни бошқариш моделини шакллантириш.....	89
3.2.	Корхоналарни инновацион ривожлантириш орқали самарадорлигини оширишда замонавий менежмент услубларини қўллаш.....	107
3.3.	Корхоналарда инновацион маҳсулот ва хизматлар ҳажми билан асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар орасидаги боғлиқлик таҳлили...	113
	Учинчи боб бўйича хулоса.....	121
	ХУЛОСА.....	123
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	131
	ИЛОВАЛАР.....	144

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви ва интеграциялашуви шароитида тобора кучайиб бораётган рақобат курашига дош бериш, унинг талабларини бажариш, илғор технологиялар ва инновациялардан самарали фойдаланиш хўжалик юритувчи субъектларнинг замонавий менежмент усулларида самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу борадаги талабларнинг бажарилиши, тенденция ва жараёнларнинг таъминланиши реал сектор корхоналарини, хусусан, саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда хизмат кўрсатиш соҳалари иқтисодиётини комплекс ривожлантириш, уларга инновацион ишланмаларни кенг жорий этиш ҳисобига маҳсулотлар экспорти доирасини кенгайтириш ва кўламини ошириш ҳамда барқарор иқтисодий ривожланиш суръатларига эришиш имконини яратади. Дарҳақиқат, «ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)да саноат улушининг 40,0 фоизи, қишлоқ хўжалиги улушининг 5,0 фоизи ва хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасининг эса 2/3 қисми»¹ тўғри келаётган бугунги шароит ҳам шуни талаб этади.

Ҳозирда корхоналар фаолиятини бошқаришда жаҳон миқёсида замонавий менежмент услубларидан мақсадли фойдаланиш, бошқарув самарадорлигини интенсив кўрсаткичлар асосида комплекс баҳолаш ҳамда инвестицион салоҳиятини оширишга доир кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, замонавий бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳисобига корхоналарни интенсив ривожлантиришни таъминлаш, замонавий менежментда бошқарув методологиясини такомиллаштириш, инновацион тизимли таҳлил усуллари кўллаш масалаларига эътибор кучайтирилмоқда. Жаҳонда корхоналар инновацион фаолиятининг ривожланиши ва уларнинг замонавий бошқаруви ҳамда етакчи давлатлар иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар ва муносабатларни янада такомиллаштириш ҳозирги даврдаги асосий илмий тенденциялардан ҳисобланади.

¹<http://mirznanii.com/a/257730/rol-promyshlennosti-v-mirovom-khozyaystve;www.wb.org;https://stud-files.net/preview/4404434/page:30/>.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар натижасида корхоналарнинг тузилмавий-таркибий ўзгаришлари амалга оширилмоқда ва фаолиятига замонавий бошқарув усуллари жорий этилмоқда. Аммо, ҳозирги шароитда корхоналарда инновацион ғоялар ва технологик ишланмалардан фойдаланиш асосида замонавий бошқарув механизмларининг ишлашини таъминлаш, бошқарув самарадорлигини ошириш ҳамда инвестициялардан самарали фойдаланиш даражаси пастлигича қолмоқда. Холбуки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, корхоналар рақобатбардорлигини ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтириш²» каби устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг самарали ижроси корхоналар фаолиятини бошқаришда замонавий менежмент услубларидан фойдаланишни тақозо этади. Бу эса мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот мавзуси республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ – 4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.